

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ХОЛАТИ

РЕЖА:

- 1.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий холатининг умумий тавсифи**
- 2.Бозор иктисадиети шароитида қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланишни тъминлаш.**
- 3.Кишлоқ хўжалик корхоналари, ташқилотлари, муассасаларининг ерга эга қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари.**
- 4.Кишлоқ хўжалик корхоналари, ташқилотлари, муассасаларининг ерга эга қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари субъеклари.**
- 5.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчилар нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Маълумки барча қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъий назар, фойдаланиш мақсадлари хамда қонунда белгиланган ҳукуқий холатларига кўра маълум умумий ўхшашликка эга. Бундай ерлардан, яъни қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳукуқининг субъектлари жисмоний ва юридик шахслар бўлишлари мумкин. Амалдаги ер қонунчилигига биноан ердан фойдаланувчилар уларга берилган ердан фақат қонунда кўрсатилган мақсаддагина фойдаланишлари мумкин. Масалан, фермер хўжалиги ўзига берилган ердан асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ташқил этиш мақсадидагина фойдаланишликка хакли.

Қишлоқ хұжалиги корхоналари үзларига бериб қўйилган ерлардан аввало қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришни амалга оширасалар, иккинчи томондан улар ердан ишлаб чиқариш бинолари қуриш, ёрдамчи хұжаликлар барпо этиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, турар-жой ва маъмурий бинолар, маданий-маиший бинолар қуриш учун хам фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида, ер участкаси ажратиб берилганда бу участка чегараси натура холида (ернинг ўзида) аниқланиб, ўзга участкалардан марза ва бошқа хил чегара белгилари билан ажратиб қўйилади дейилган. Тегишли ер тузиш органлари берилган ер участкаси чегарасини натура холида белгилаганларидан сўнг, ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи хўжжат берадилар. Бу хўжжат тегишли хокимият органлари томонидан берилади ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ягона юридик хўжжат бўлиб хисобланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ажратилган ерлар энг қимматли ерлар хисобланиб, озиқ-овқат махсулотларига бўлган ва саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиежини қондиришда ўта муҳим ахамият га эга. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини ўйнайди. Шунинг учун хам фермер хўжаликларини ташқил этишнинг негизида уларга ер бериш масаласи ётади. Фермер хўжаликларига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Қайта ташқил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўtkазиш Тартиби» ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237a-сон буйруғи билан тасдиқланган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом» фермер хўжаликларини ташқил этишда талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўtkазиш шартларини, танлов ғолибларини аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофик, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролариға фермер хўжаликларини юритиш учун берилиши мустахкамланган. Фермер хўжаликлирига ер беришнинг хуқуқий тартиби «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 10, 11 моддаларида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофик, Фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжаликлирига ер участкаларини беришнинг хуқуқий тартиби Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликлирига узок муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом»га асосан белгиланади.

Конун хужжатларига мувофиқ, илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейларга, касб-хунар қоллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, навсинаш мақсадлари учун берилган ерлар хам да сув фонди ерлари фермер хўжаликлари юритиш учун берилиши мумкин эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси бўйлаб беш юз метрли минтақада фаолияти ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиши билан боғлиқ бўлган чорвачилик, паррандачилик хам да бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тақиқланади.